
Янгиҳаёт маҳалласининг ҳам 7 минг метр йўллари асфальтланди

Айни кунларда Кува туманидаги қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш борасидаги бунёдкорлик ишлари жадал тус олган.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган амалий тадбирлар натижасида масканлар кўркам тус олиб, аҳолига қулай шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, айни қарори асосида “Янгиҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинининг 7 минг метр ички йўллари ҳам асфальтланиб, равон ва соз ҳолатга келтирилди.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳолининг кўп йиллик муаммоларини ҳал этиш ва уларнинг турмуш даражасини оширишга кўмаклашиш тадбирлари туман ҳудудларид бўйлаб жадал суръатларда давом этмоқда.

2023-05-26 12:12:17